

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ**

РАХИМОВА АЗИЗА АБДУХАЛИМДЖАНОВНА

**ЎРМОН БИОЦЕНОЗИДА LEPIDOPTERA ТУРКУМИ ВАКИЛЛАРИ
ПОПУЛЯЦИЯСИ СОНИНИ БОШҚАРИШДА ТРИХОГРАММА
(TRICHOGRAMMATIDAE) ТУРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the Dissertation Abstract of Doctor of philosophy (PhD)
in Agricultural Sciences**

Рахимова Азиза Абдухалимджановна

Ўрмон биоценозида Lepidoptera туркуми вакиллари популяцияси сонини бошқаришда трихограмма (Trichogrammatidae) турларининг аҳамияти..... 3

Рахимова Азиза Абдухалимджановна

Значение видов трихограммы (Trichogrammatidae) в управлении популяции представителей отряда чешуекрылых лесном биоценозе..... 19

Rakhimova Aziza Abdukhalimdjanovna

The importance of trichogramma (Trichogrammatidae) in ruling the number of lepidoptera composite in forest biosenosis..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published of works 39

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ**

РАХИМОВА АЗИЗА АБДУХАЛИМДЖАНОВНА

**ЎРМОН БИОЦЕНОЗИДА LEPIDOPTERA ТУРКУМИ ВАКИЛЛАРИ
ПОПУЛЯЦИЯСИ СОНИНИ БОШҚАРИШДА ТРИХОГРАММА
(TRICHOGRAMMATIDAE) ТУРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Qx608 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.andqxai.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Сулаймонов Ботиржон Абдушукирович
Биология фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар: Юсупова Махпуза Нумановна
Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, доцент

Мухсимов Нурулло Пулатович
Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори,

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Зоология институти

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__»_____, соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170600, Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси 1-уй. Тел.: (+99874) 373-10-54; факс: (+99874) 373-13-63; e-mail: agai_info@edu.uz; Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти маъмурий биноси, 1 қават, анжуманлар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170600, Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси 1-уй, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99874) 373-10-54

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__»____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

А. Исашов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к/х.ф.д., профессор

Ғ.Д. Раҳматуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.ф.д.

К.С. Комилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда атроф-муҳитнинг глобал тарзда ўзгариши қишлоқ хўжалик экинларига турли ҳилдаги зараркунанда ҳамда касалликларнинг таъсирини кенг миқёсда ортиб боришига олиб келмоқда. «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўлими маълумотига қараганда, биргина зараркунандаларнинг салбий таъсири дунё қишлоқ хўжалигида ўртача 1,4 триллион долларга тенг деб баҳоланиб, бу глобал ялпи ички маҳсулотнинг 5 %ини ташкил этади.»¹ Шунга кўра, биринчи навбатда инсоният соғлиғини асраш, жаҳон мамлакатлари аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, атроф муҳит мусаффолигини сақлаган ҳолда, экинларни зарарли организмлардан ҳимоя қилиш долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда вужудга келаётган экологик муаммолар ўрмон биоценози ва қишлоқ хўжалиги билан ҳам узвий боғлиқ бўлиб, бу борада янги технологияларни ва экологик кураш тизимини ишлаб чиқиш, илмий изланишлар олиб бориш ҳамда амалиётга жорий этишни талаб этади. Шу ўринда, ўсимликлар дунёсини зарарли организмлардан ҳимоялаш ва уларга қарши курашишда самарали биологик усулларнинг кейинги йилларда кенгайиб бориши, мавжуд биологик курашиш технологияларини янада такомиллаштириш, хусусан зараркунандаларнинг табиий қушандаларини янги турларини топиш, интродукция қилиш ва кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқаришнинг интенсив усулларини яратишга эътибор қаратилмоқда.

Республикамизнинг нафақат қишлоқ хўжалиги экинларида балки, ўрмон биоценозларида ҳам *Lepidoptera* туркум вакиллариининг юздан ортиқ турлари учраб катта иқтисодий зарар етказмоқда. Ушбу зараркунанда вакиллариининг қишлоқ хўжалиги экинларида учрайдиган турларини бир қанча самарали паразит энтомофаглари мавжуд бўлиб уларнинг баъзи турлари биологик лабораторияларда кўпайтирилади ва қарши курашда кенг қўлланилади. Лекин ўрмон биоценозларида учрайдиган *Lepidoptera* туркум вакиллариини самарали паразит энтомофагларидан биологик лабораторияларда кўпайтириладиган турлари мамлакатимизда мавжуд эмас. Шу боис, ушбу зараркунандаларнинг ўрмон биоценозида учрайдиган турларига қарши самарали паразит энтомофаг турларини интродукция қилиш, биологик лабораторияда кўпайтириш ҳамда зараркунандаларга қарши қўллаш технологиясини яратиш, шунингдек, уларни биологик самарадорлигини баҳолаш муҳим илмий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4861-сон «Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»²ги «Зарарли организмларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига таъсирини илмий жиҳатдан ўрганиш, уларни зарарлантиришнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш ва янги турдаги энтомофаглар яратиш»борасидаги ҳамда, 2021 йил 21 январдаги ПҚ-4960-сон «Ўрмон хўжалиги соҳасида илм-фанни ривожлантириш ва илмий-тадқиқот

¹<http://www.fao.org/docrep/018/i3300e/i3300e.pdf>.

² <https://lex.uz/>

ишларини рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида»³ қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ама лга оширишда ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти мавзуси республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон олимлари томонидан паразит-энтомофаг турларини аниқлаш, янги турларини интродукция қилиш, ўрмон биоценозида учрайдиган *Lepidoptera* туркум вакиллари сонини бошқаришдаги ўрни, қўллаш технологияларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар T.D.Gariepy, U.Kuhlmann, C.Gillot, M.Erlandson, N.Bourguet, D.Spataro ва паразит энтомофагларни систематик таҳлилини ўтказиш бўйича Li.Liyang, S.T.S.Hassan, M.Martinez, паразит энтомофагларни кимёвий воситаларга чидамлик даражаси бўйича F.J.Byrne, N.C.Toscano, N.C.Delorme ва Ўзбекистонда ўрмон биоценозида учрайдиган *Lepidoptera* туркум вакиллари ўрганиш бўйича Е.Ш.Торениязов, А.Ю.Кутлымуродов, А.К.Кадыров, Ш.Р.Эсанбоев, Р.А.Султанов, Р.Ўлмасбоева, фитофаг турлар ва уларни бошқариш бўйича Б.А.Сулаймонов, Х.Х.Кимсанбоев, Ш.Эсанбоев ва бошқалар, паразит-энтомофагларни интродукция қилиш бўйича Х.Х.Кимсанбаев, А.Р.Анарбаев каби олимлар илмий изланишлар олиб боришган.

Бироқ, бугунги кунда айнан ўрмон биоценозида кўплаб зарар етказётган Тангачақанотлилар (*Lepidoptera*) туркумига мансуб зараркунандаларнинг ихтисослашган энтомофагларини интродукция қилиш, биологаторияда кўпайтириш технологиясини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация ҚХА-9-137-2015 «Ўрмон ва манзарали дарахтлар энтомофаунасини ўрганиш асосида зарарли фитофаг турларига қарши самарали кураш усулларини яратиш» (2015-2017 йй.), ҚХИ-5-128-2016 «Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришда зараркунандаларга қарши юқори самарадор ва экологик соф трихограммани кўпайтириш, қадоқлаш ва тарқатишнинг янги технологияларини жорий этиш» (2016-2017 йй.), ВА-КХФ-5-007 «Ўсимликларни биологик химоя қилишда энтомофагларни *in vitro* усулида кўпайтиришнинг назарий асослари» мавзуларидаги фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган (2017-2020 йй).

Тадқиқотнинг мақсади ўрмон биоценозларида зарар етказётган *Lepidoptera* туркумига мансуб зарарли хашаротларга қарши курашга ихтисослашган, самарали бўлган *Trichogramma dendrolimi* турини интродукция қилиш, кўпайтириш усулларини ишлаб чиқиш ва биологик самарадорлигини аниқлашдан иборат.

³ <https://lex.uz/docs/5233368>

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўрмон биоценозида зарар етказётган Lepidoptera туркумининг асосий вакиллари учраш даражаси, биоэкологияси ҳамда фитофаглик хусусиятларини аниқлаш;

ўрмон зараркунандарига қарши курашга ихтисослашган, мамлакатимиз ўрмон иқлим шароитига мос трихограмма (*Trichogramma dendrolimi*) турини интродукция қилиш ҳамда кўпайтириш усулларини яратиш;

Trichogramma dendrolimi турини биологическая лабораторияда кўпайтириш учун хўжайин турларини танлаш ҳамда in vitro усулида кўпайтиришда самарали сунъий озуқа муҳитларини аниқлаш;

*Trichogramma dendrolimi*ни ривожланиш босқичларига ўрмон биоценозларида қўлланилаётган Аваунт 15 % к.э. (0,5л/га); Каратэ 5 % э.к., (0,5л/га); Моспилан 20 % н.кук., (0,3кг/га); Эмамекс 5 % с.э.г. (0,4кг/га); Децис 10 % э.к. (0,2л/га) каби инсектицидларнинг таъсирини аниқлаш;

Trichogramma dendrolimi турини Lepidoptera туркумининг асосий вакилларига қарши тарқатишнинг ресурстежамкор усулини ишлаб чиқиш;

ўрмон биоценозида ёнғоқ мевахўри (*Erschoviella musculana* Ersch.) зараркунандасига қарши қўлланилган усул ва воситаларнинг хўжалик ҳамда иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўрмон дарахтлари, Lepidoptera туркум вакиллари ҳамда уларнинг паразит энтомофагларидан Trichogrammatidae оиласининг *Trichogramma dendrolimi*, *Trichogramma pintoii* турлари олинган.

Тадқиқот предмети бўлиб энтомофагларни кўпайтириш технологияси, уларни қўллашнинг усул ва воситалари ҳамда биологик, иқтисодий самарадорлиги ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Энтомологик ҳисоб ва кузатувлар В.Яхонтов, Г.Я.Бей-Биенко, Н.В.Бондаренко, А.А.Захваткин, С.А.Муродов; зараркунандаларнинг зичлиги Ш.Т.Хўжаев; паразит-энтомофагларни интродукция қилиш А.Р.Анарбаев; энтомофагларнинг доминантлиги ҳамда уларни кўпайтириш, сақлаш ва қўллаш, уларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш Х.Х.Кимсанбаев; сони эса К.К.Фасулати, С.Н.Алимухамедовнинг услублари асосида, фитофагларнинг зарарлилик даражаси В.И.Танский; энтомофагларнинг сифат кўрсаткичлари Б.П.Адашкевич; олинган натижалар К.Гар, Б.А.Доспехов ва Г.Ф.Лакин услублари ёрдамида математик ва статистик таҳлил қилиниб вариантлар орасидаги энг кичик фарқ ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтининг «Мониторинг ва ахборот технологияларини қўллаш бўлими» да ишлаб чиқилган компьютер дастури ёрдамида аниқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

Илк бор Ўзбекистонга ўрмон биоценозларининг зараркунандаларига қарши курашга ихтисослашган самарали *Trichogramma dendrolimi* паразит-энтомофаги Хитой Халқ Республикасидан интродукция қилинган;

Trichogramma dendrolimi ва *Trichogramma pintoii* пуштдорлигига ёруғликнинг таъсири аниқланиб *Trichogramma dendrolimi* пуштдорлиги учун 10 соат, *Trichogramma pintoii* пуштдорлиги учун эса 12 соат ёруғлик оптимал эканлиги аниқланган;

Trichogramma dendrolimi авлодларига Аваунт 15% к.э. (0,5 л/га) препарати таъсир эттирилганда 70,1 % имаголик даврига қадар ривожланиши исботланган;

Trichogramma dendrolimi энтомофагини Lepidoptera туркумининг асосий вакилларига қарши трихокарта ва дрон орқали ресурс тежамкор тарқатиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Андижон ва Тошкент ўрмон биоценозларида зарар етказувчи Lepidoptera туркумининг асосий вакилларидан - олма куяси (*Yponomeuta malinellus* Zell.), ёнғоқ мевахўри (*Erschoviella musculana* Ersch.) ва дарахт сассикхўрининг (*Cossus cossus* L.) биоэкологияси, ривожланиш динамикаси, зарар келтириш даражаси аниқланган;

Trichogramma dendrolimi энтомофагининг биологический лабораторияларда мум куяси тухумларида кўпайтирилган авлодларини +2 С° ҳаво ҳароратида 1 ойгача сақлаш тавсия қилинган;

интродукция қилинган *Trichogramma dendrolimi* энтомофагини олма куяси, ёнғоқ мевахўри ва дарахт сассикхўрига қарши 1,0 г/га миқдорида қўллаш, баланд бўйли манзарали дарахтларда учрайдиган Lepidoptera туркум вакилларига қарши 3,0 г/га миқдорда дронларда тарқатиш тавсия қилинган.

Ўсимликларни уйғунлашган ҳимоя қилишда Аваунт 15 % к.э. (0,5 л/га) препарати билан ишлов бериш тавсия қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация иши тадқиқотларининг тасдиқланган, услубий жиҳатдан тўғри замонавий усул ва воситалардан фойдаланилган ҳолда ўтказилганлиги, амалий натижаларнинг назарий асосларига мос келиши, олинган натижалар республика ва хорижий олимларнинг тажрибалари билан таққосланганлиги, натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, диссертация тадқиқоти амалий натижалари бўйича далолатномалар тасдиқланганлиги ва уларни амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти янги интродукция қилинган *Trichogramma dendrolimi* энтомофагини Lepidoptera туркуми вакилларидан – олма куяси (*Yponomeuta malinellus* Zell.), ёнғоқ мевахўри (*Erschoviella Musculana* Ersch.) ва дарахт сассикхўри (*Cossus cossus* L.) зараркундаларига қарши қўллашнинг илмий асосланган муддат ва меъёрлари аниқланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олма куясига қарши курашда 66,7-72,4%, дарахт сассикхўрига қарши 64,3-68,7%, ёнғоқ мевахўрига қарши 69,3-73,6% биологик самарадорликка эришилиб, самарали кураш усули амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрмон биоценозида Lepidoptera туркуми вакиллари популяцияси сонини бошқаришда трихограмма (*Trichogrammatidae*) турларининг аҳамияти бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

Интродукция қилинган *Trichogramma dendrolimi* турини кўпайтириш технологияси Тошкент давлат аграр университетининг Ўсимликларни биологик

химоя қилиш илмий тадқиқот маркази ДУК биологаториясида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 01 ноябр 02/025-4445-сон маълумотномаси). Натижада мавсумда ўрмон биоценозида учрайдиган *Lepidoptera* туркуми вакилларининг самарали паразит энтомофаглари ялпи кўпайтириш ва қўллаш самарадорлиги 3-4 баробарга ортган;

Trichogramma dendrolimi паразит-энтомофаги Андижон вилоят давлат ўрмон хўжалигининг Қўрғонтепа туманидаги «Тошоҳур» ва «Ойим-1»; Жалақудуқ туманидаги «Ойим-2»; «Олтинкўл туманидаги «Кўштепа» ва «Кўмакай»; Бўстон туманидаги «Шеркўрғон» ва «Бўстон»; Избоскан туманидаги «Лўғимбек»; Андижон туманидаги «Андижон» ўрмон бўлими ва Тошкент вилоятининг «Оқ-тош» ўрмон бўлими дарахтларидаги *Lepidoptera* туркуми вакилларига қарши 1300 га майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 01 ноябр 02/025-4445-сон маълумотномаси). Натижада паразит-энтомофаг қўлланилганда ўртача 64,3-73,6 % биологик самарадорликка эришилган;

Trichogramma dendrolimi паразит-энтомофаги «Тошоҳур» ва «Оқ-тош» ўрмон бўлимидаги ёнғоқ дарахтлари мевасига зарар етказаётган ёнғоқ мевахўрига (*Erschoviella musculana* Ersch.) қарши курашда 5,0 мг/дарахт (1г/га) миқдорда 109 га майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 01 ноябрдаги 02/025-4445-сон маълумотномаси). Натижада 73,6 % биологик самарадорликка эришилган, ёнғоқ дарахтларидан 5,1 ц/га кўшимча ҳосил сақлаб қолинган ва рентабеллик даражаси 4,17% ни ташкил этган;

Trichogramma dendrolimi энтомофаги «Ойим-2» ўрмон бўлимида олма куясига қарши 4,0 мг/дарахт (1г/га) меъёрда 73 гектар майдонга жорий этилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 01 ноябрдаги 02/025-4445-сон маълумотномаси) Натижада 66,7-72,4 % биологик самарадорликка эришилган ҳамда 7,5-9,0 ц/га кўшимча ҳосил сақлаб қолинган;

Trichogramma dendrolimi энтомофаги «Кўмакай» ўрмон бўлими ва «Дўстлик» истирохат боғидаги дарахтлар танасига зарар етказувчи сассикхўрга қарши 4,0 мг/дарахт (1г/га) ва 3,0 г/га миқдорда 63 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 01 ноябрдаги 02/025-4445-сон маълумотномаси). Натижада мос равишда 68,7 % ва 64,3 % биологик самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва лаборатория шароитида олиб борилган тажрибалар ҳар йили Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институтининг махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланиб, илмий ҳисоботлар ҳар йили институтнинг илмий Кенгашида муҳокама қилинган ҳамда диссертация ишининг асосий илмий натижалари бўйича республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий

мақола, жумладан 4 та республика, 2 та хорижий журналларда, 2 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги конференцияларда маърузалар билан иштирок этилган ҳамда 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби: кириш, олти боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотлар долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда предмети ва объектлари тавсифланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўрмон биоценозида учрайдиган *Lepidoptera* туркуми вакиллари фаунаси ва улар популяциясини бошқариш**» деб номланган биринчи бобида ўрмон биоценозида учрайдиган *Lepidoptera* туркумининг асосий вакиллари популяциясини бошқаришда *Trichogrammatidae* оила вакиллариининг ўрни ва уларни ўрганилганлик даражасига бағишланган хорижий ва мамлакатимиз олимларининг илмий ишлари таҳлил қилинган. Диссертация мавзуси бўйича олиб борилган ва амалдаги тадқиқотлар ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ҳудудининг агроиқлимий тавсифи, тадқиқот материаллари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жой, тадқиқот материаллари ва услублари ёритилган.

Олинган натижалар Б.А.Доспехов (1985) ва Г.Ф.Лакин (1990) усуллари ёрдамида математик ва статистик қайта ишланган. Вариантлар орасидаги энг кичик фарқ Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтининг математик моделлаштириш ва прогнозлаш лабораториясида ишлаб чиқилган компьютер дастури ёрдамида аниқланган. Тадқиқотлар 2017-2020 йиллар давомида Тошкент ва Андижон вилоятларининг ҳудудларида ўтказилган. Бунга боғлиқ равишда, диссертацияда мазкур вилоятларнинг тупроқ-иқлим хусусиятлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўрмон биоценозида *Lepidoptera* туркуми асосий вакиллариининг учраш даражаси ва уларнинг биоэкологияси**» деб номланган учинчи бобида Андижон ва Тошкент ўрмон биоценозида учрайдиган асосий зараркунандаларни аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар баён қилинган. Тадқиқот давомида ҳудудларда аниқланган ҳашаротлар тур-таркибга ажратилган, фитофагларнинг учраш даражаси ҳамда Тангачақанотлилар туркумининг энг кўп учраган вакилларида олма куяси (*Yponomeutida mallinellus* Zell.) ёнғоқ мевахўри (*Erschoviella musculana* Ersch.), ва дарахт сассиқхўрининг (*Cossus cossus* L.) биоэкологияси ўрганилган. Мазкур

ҳашаротларнинг фенологик календари келтирилган.

Андижон давлат ўрмон хўжалик бўлимларида намлик юқори бўлган ҳудудларда баргўровчилар, арракашлар, тунламлар ва илдиз зараркунандалари кўплаб учраши аниқланган. Ўрмон дарахтларига зарар етказаётган ҳашаротлар билан бирга, уларнинг 24 хил турдаги энтомофаглари учраши ҳам қайд қилинган.

Шунингдек, мамлакатимиздаги энг йирик ўрмон хўжаликларидан «Бахмал» ўрмон хўжалиги (2017й) биоценозида 171 дона ҳашарот аниқланиб, уларнинг 48 таси 6 та оилага мансуб эканлиги, 32 таси эса паразит ва 26 таси йиртқич энтомофаг ва қолган 66 донаси бутазор ва бегона ўтларда яшовчи зараркунандалар эканлиги қайд этилган.

Андижон ўрмон биоценозларида ўтказилган тадқиқот давомида дарахт тана зараркунандаларининг ҳам ўрмон биоценозида тарқалиши, учраш даражаси мониторинг қилинган. *Cossidae* оиласига мансуб дарахт сассиқхўри (*Cossus cossus* L.) зараркунандаси 55 %, *Aegeridae* оиласига мансуб бўлган кичик терак шишасимони (*Paranthrene tabanifonnis*) 24,5 %, катта терак шишасимони (*Aegeria apiformis*) 21,5 % учраши аниқланган.

Тошкент ва Андижон вилоятларида (2019-2020 йй.) ўтказилган илмий изланишлар давомида дарахт тана зараркунандаларидан ҳисобланган олма ойнадорининг (*Synanthedon myopaeformis*) учраш ва зарар етказиш даражаси аниқланган. Натижаларга кўра 2019 йилда Тошкент вилоятининг Бўстонлик, Қибрай, Ғазалкент ҳудудларида ёввойи олма дарахтларида олма ойнадори зараркунандаси учраш даражалари 16% ни ташкил қилган ва 2020 йилда эса бу кўрсаткич 19 % га етган, Андижон вилояти ўрмон биоценозида эса олма ойнадорининг учраши 2019 йилда 21 % бўлса, 2020 йилдаги кузатишларда эса 23% га етганлиги қайд этилган.

Диссертациянинг «**Ўрмон биоценози учун самарали трихограмма (*Trichogrammatidae*) авлодларини танлаш, интродукция қилиш ва биологаторияда кўпайтириш усуллари яратиш**» деб номланган тўртинчи боби учта қисмдан иборат бўлиб, «*Trichogramma dendrolimi* турини Хитой халқ республикасидан интродукция қилишнинг илмий амалий усуллари яратиш» бўлимида ўрмон биоценозидаги мевали дарахтларда учраб катта иқтисодий зарар етказаётган *Lepidoptera* туркумига мансуб ёнғок мевахўри (*Erschoviella musculana*), олма куяси (*Yponomeuta malinellus*.) ва дарахт сассиқхўри (*Cossus cossus*) каби зараркунандаларга қарши 18 турдаги трихограмма авлодлари ичида энг юқори самарадор тухум паразити ҳисобланган *Trichogramma dendrolimi* ни мамлакатимизга интродукция қилишга қаратилган. Ушбу трихограмма турини интродукция қилиш жараёнлари энтомофаг турини танлаш, олиб келиш, карантинда сақлаш, биологик ҳусусиятларини ўрганиш, лабораторияда хўжайин турини танлаш, ялпи кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқиш, ўрмон зараркунандаларига қарши мавсумий қўллаш ва биологик самарадорлигини аниқлаш каби 10 та босқичда амалга оширилган.

Тўртинчи бобнинг «*Trichogramma dendrolimi* турининг систематикаси, биоэкологияси ва экстремал шароитга мослашувчанлиги» бўлимида


Trichogramma dendrolimi турининг систематикаси ва биоэкологияси ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Trichogramma dendrolimi тури танасининг ўлчами бўйича *Trichogramma chilonis* турига мос келади ва 0,4-0,5 мм бўлиб, тана ранги қўнғир, қорин қисмининг бошланиши тўқ жигаррангда. Панжалари 3 бўғимли. Урғочисининг мўйловлари 5 бўғимли, сийрак тукчалар билан қопланган, эркакларнинг мўйловлари 3 бўғимли ва нисбатан қалин, узун тукчали.

Олдинги қанотлари кенг, майда тукчалар билан ҳошияли қопланган. Олдинги қанотларида асл, қавариқ ҳамда ботиқ томирчалари мавжуд. Олд қанотларидаги томирлари асосан қанот ости томирлар ҳисобланиб танага бирикиб кетган. Орқа жуфт қанотлари нисбатан ингичка пичоқсимон кўринишда атрофи тукчалар билан қопланган. Орқа қанотининг ўрта қисмида бир чизикли жойлашган қалин тукчалар мавжуд.

Қорни кенг, юқори қисми юмалоқ. Яширин тухум қўяди, тухум қўйгичи қорин қисмининг пастида чиқиб туради. Эркаги урғочисига ташқи кўринишидан жуда ўхшаш.

Трихограмма турларининг мўйловлари ва қанотларидаги туклар изларининг таърифи унинг асосий морфологик белгиларидан ҳисобланади. Шу боис, тур таркибини аниқлашда асосан морфологик белгилардан ва эркак ва урғочининг генетелийсидан фойдаланиш кераклиги қайд этилган (1-расм).



1-расм. *Trichogramma dendrolimi* эркак зотлари гениталийсининг ички ва ташқи кўриниши.

Трихограмманинг бир неча авлодлари бўйича гениталийсининг тузилиши бир-биридан кескин фарқ қилиши ва бу усулда аниқланган турлар ўзаро фарқланиши изоҳланган.

Бобнинг учинчи «Интродукция қилинган *Trichogramma dendrolimi* турини биологаторияда кўпайтириш учун самарали хўжайин турини танлаш» бўлимида *Trichogramma dendrolimi* ни кўпайтириш учун хўжайин турини танлаш бўйича ўтказилган тажриба натижалари келтирилган.

Trichogramma dendrolimi тури имаголари тажрибага қўйилган кўсак қурти тухумларини энг кам яъни 65,4 %, мум парвонаси тухумларини эса энг кўп 74,6 % зарарлаши аниқланган (1-жадвал).

1-жадвал

Trichogramma dendrolimi турини биологическая лабораторияда кўпайтириш учун самарали хўжайин турини танлаш. + 28°C ҳарорат, 65% намлик, Лаборатория тажрибалари, ТошДАУ Биомарказ 2018-2019 йй.

№	Хўжайин турлари	Тухумларнинг зарарланиш даражаси %	Имаголарнинг яшовчанлиги, (кун)	Жинслар нисбати ♂:♀
1	<i>Helicoverpa armigera</i>	65,4	6,8	1:4
2	<i>Ostrinia nubilalis</i>	62,7	5,1	1:4
4	<i>Sitotroga cerealella</i>	72,5	4,3	1:5
5	<i>Galleria mellonella</i>	74,6	5,2	1:5

Ушбу тадқиқотлар натижасида *Trichogramma dendrolimi* энтомофагини биологическая лабораторияда кўпайтиришда мум парвонаси тухумларидан фойдаланиш юқори самара бериши аниқланган.

Тўртинчи бобнинг «*Trichogramma dendrolimi* нинг биологик кўрсаткичлари ва яйдоқчилик хусусиятларини аниқлаш» бўлимида энтомофагнинг биологик кўрсаткичларини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба натижалари келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал

Trichogramma dendrolimi турининг +27-28 °C ҳаво ҳарорати ва 65-70% ҳавонинг нисбий намлигида ўртача биологик кўрсаткичлари ТошДАУ, Биомарказ 2018-2020йй.

№	Пушторлик даражаси (дона)	Ургочи зот ҳаётининг давомийлиги(кун)	Тухумдан етук зотгача бўлган ривожланиш даври (кун)	Жинслар нисбати ♂:♀
1	40	11.7	9.3	1:5
2	62	12.3	8.6	1:4
3	56	11.0	10.8	1:7
4	52	7.6	9.0	1:4
5	66	8.5	8.5	1:6
6	50	13.5	9.2	1:8
7	45	9.8	11.5	1:5
8	57	13.2	8.5	1:6
9	59	13.6	10.0	1:5
10	60	10.7	9.0	1:8
11	63	11.3	8.3	1:6
12	56	7.4	11.5	1:4
13	50	12.8	8.0	1:7
14	46	8.6	9.4	1:6
15	67	13.9	8.2	1:5
Ўртача	55.2	11.0	9.3	1:6

Trichogramma dendrolimi турини лаборатория шароитида биологик кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида, дон куяси (*Sitotroga cerealella*) тухумларида тажрибалар олиб борилган. Тажриба 3 мартаба 15 та қайтариқда

амалга оширилган. Бир донна трихограмманинг ўртача тухум кўйиш сони 55,2 донани ташкил қилган. Урғочи зот хаётининг давомийлиги 11 кунни ташкил қилган.

Тажрибаларнинг кейинги босқичида *Trichogramma dendrolimi* нинг ўрмон биоценозида учровчи *Lepidoptera* туркум вакиллари нинг тухумларида биологик кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида олма куяси (*Yponomeuta malinellus*), ёнғоқ мевахўри (*Erschoviella musculana*), дарахт сассикхўри (*Cossus-cossus*) шунингдек, агробиоценозда учровчи кўсак қурти (*Helicoverpa armigera*), дон куяси (*Sitotroga cerealella* Oliv.) ва асалари мум парвонаси (*Galleria mellonella* L.) тухумлари олиниб тажрибалар ўтказилган.

3-жадвал

***Trichogramma dendrolimi* нинг турли хўжайин тухумларида биологик кўрсаткичлари. Лаборатория тажрибалари, +28°C ҳарорат, 65% намлик ТошДАУ Биомарказ 2018-2019 йй**

№	Хўжайин турлари	Тухумларнинг зарарланиш даражаси (%)	Имаголарнинг яшовчанлиги, (кун)	Жинслар нисбати
Ўрмон биоценозида учровчи <i>Lepidoptera</i> туркум вакиллари				
1	<i>Yponomeuta malinellus</i>	92,0	8,4	1:8
2	<i>Cossus-cossus</i>	81,7	7,8	1:6
3	<i>Erschoviella musculana</i>	90,1	8,4	1:8
Агробиоценозда учровчи ҳашаротлар				
1	<i>Helicoverpa armigera</i>	65,4	6,8	1:4
2	<i>Sitotroga cerealella</i>	72,5	4,3	1:5
3	<i>Galleria mellonella</i>	78,6	5,2	1:5

Натижаларга кўра олма куяси тухумлари *Yponomeuta malinellus* 92,0 % зарарланиб энг юқори самара кўрсатиши исботланган. *Trichogramma dendrolimi* нинг пуштдорлиги мум куя тухумларида (*Galleria mellonella* L.) дон куяси (*Sitotroga cerealella* Oliv.) тухумларига нисбатан юқори бўлиши исботланган.

«Интродукция қилинган трихограмма авлодларини сунъий озуқа муҳитларида кўпайтириш» бўлими интродукция қилинган трихограмма авлодларини сунъий озуқа муҳитларида кўпайтириш борасида ўтказилган тажриба натижаларига бағишланган. Тажрибада тут ипак қурти (*Bombyx mori*), катта мум куяси (*Galleria mellonella*), карам оқ капалаги (*Pieris brassicae*), кўсак қурти (*Heliothis armigera*) каби тўрт хилдаги ҳашарот гемолимфалари билан тайёрланган сунъий озуқаларда *Trichogramma dendrolimi* турини ривожланиш кўрсаткичлари аниқланган. *Trichogramma dendrolimi* авлодларини кўпайтириш учун тут ипак қурти (*Bombyx mori*) гемолимфасидан фойдаланилганида сунъий тухумларнинг зарарланиши 86,0 % бўлиб, юқори самарага эришилган.

Диссертациянинг «Интродукция қилинган трихограмма авлодларини ривожланиши ва яйдоқчилик хусусиятларига абиотик ва биотик омилларнинг таъсири» деб номланган бешинчи боби учта бўлимдан иборат бўлиб, унинг «Трихограмма турларининг ривожланишида ҳаво-ҳарорати ва нисбий намликнинг таъсири» бўлимида ўрмон трихограммаси *Trichogramma*

dendrolimi ни биологическая лаборатория шароитида учта авлодгача ривожланишида абиотик омилларнинг жинслар нисбатига таъсири аниқланган. Ҳар битта авлод учун турли хилдаги ҳаво ҳарорати ва ҳаво намлигининг жинслар нисбатига таъсири аниқланган.

Тухумларни зарарлантириш ушбу тур учун қуйи ҳарорат +15 С; юқори ҳарорат +28°С бўлган шароитда ва 50, 60, 70 % ҳаво нисбий намлигида амалга оширилган. Натижага кўра учинчи авлодга ҳаво ҳароратини +28 С, ҳаво нисбий намлиги 50 % қилиб белгиланганда тухумларнинг зарарланиши 80,9 % бўлиб, жинслар нисбати (♂:♀) 2:6 ни ташкил этди. Бир авлодининг ривожланиш вақти 11,2 кунни ташкил этган.

Бешинчи бобнинг «Трихограмма турларининг ривожланишига фотопериодизмнинг таъсири» бўлими *Trichogramma dendrolimi* пуштдорлигига ёруғликнинг таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасига бағишланган. Тажрибада *Trichogramma dendrolimi* тури авлодларининг пуштдорлиги учун оптимал ёруғлик вақти 10 соат эканлиги ва *Trichogramma pintoi* тури учун 12 соатлик ёруғлик самарали эканлиги исботланган.

Бешинчи бобнинг «Ўрмон биоценозларда қўлланиладиган айрим инсектицидларнинг *Trichogramma dendrolimi* авлодларига таъсири» бўлимида ўрмон биоценозларда қўлланиладиган айрим инсектицидларнинг *Trichogramma dendrolimi* ривожланишининг турли босқичларига таъсири аниқланган. Натижаларга кўра Аваунт 15 % к.э. препарати билан ишлов берилганида паразит-энтомофагларнинг 70,1 % имаголик давригача ривожланиши, яшовчанлиги 5,8 кун бўлиб пуштдорлик даражаси эса 73,5 % бўлиши аниқланган.

Диссертациянинг «***Trichogramma dendrolimi* турини ўрмон биоценозидаги асосий Lepidoptera туркуми вакиллари сонини бошқариш самарадорлиги**» деб номланган олтинчи боби тўртта бўлимдан иборат бўлиб, унинг биринчи «Олма куясига (*Yponomeuta malinellus*) қарши *Trichogramma dendrolimi* қўллаш самарадорлиги» бўлимида Андижон вилоятларидаги ўрмон хўжаликларида кенг тарқалган олма куясига (*Yponomeuta malinellus* Zell.) қарши *Trichogramma dendrolimi* турларини қўллаш ва биологик самарадорлигини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилган. Тажрибалар «Ойим-2» ўрмон бўлимида учта вариантда ўтказилган бўлиб, биринчи вариантда *Trichogramma dendrolimi* паразит-энтомофаги олма куяси (*Yponomeuta malinellus* Zell.) зараркунандасига қарши 2,0 мг/дарахт миқдорда, иккинчи вариантда 3,0 мг/дарахт ва учинчи вариантда 4,0 мг/дарахт миқдорида қўлланилган. Учинчи вариантда олма куяси (*Yponomeuta malinellus* Zell.) зараркунандасига қарши *Trichogramma dendrolimi* энтомофагини 4,0 мг/дарахт ҳисобида қўллаганилганда энг юқори 71,2 % биологик самарадорликка эришилган.

«Дарахт сассикхўрига (*Cossus cossus* L.) қарши *Trichogramma dendrolimi* энтомофагини ресурстежамкор усулларда қўллаш самарадорлиги» бўлимида Тошкент шаҳрининг «Дўстлик» боғидаги кўпгина япроқ баргли дарахтлар танасига зарар келтирувчи дарахт сассикхўри (*Cossus cossus* L.) зараркунандасига қарши *Trichogramma dendrolimi* авлодлари дронлар ёрдамида

тарқатилганлиги ва биологик самарадорлиги аниқланганлиги қайд этилган. Тажриба учта вариантда ўтказилиб *Trichogramma dendrolimi* авлодлари 1,0 г/га; 2,0 г/га ва 3,0 г/га миқдорда дронлар ёрдамида тарқатилган ва биологик самарадорлиги аниқланган. Бунда энг юқори самарадорлик учинчи вариантда бўлиб *Trichogramma dendrolimi* турини дарахт сассиқхўри (*Cossus cossus* L.) зараркунандаси тухумларига қарши 3,0 г/га миқдорида қўлланилганда 67,5 % биологик самарадорликка эришилган.

«*Trichogramma dendrolimi* турини ёнғоқ мевахўрига (*Erschoviella musculana* Ersch.) қарши қўллашнинг биологик самарадорлиги» бўлимида ёнғоқ мевахўри зараркунандасига қарши *Trichogramma dendrolimi* паразит-энтомофагини қўллаш ва биологик самарадорлигини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар 2018 ва 2020 йиллар оралиғларида иккита босқичда олиб борилганлиги қайд этилган.


Биринчи босқич Тошкент вилояти Бўстонлик тумани «Оқ-тош» ўрмон бўлимидаги ёнғоқ дарахтларида, иккинчи босқичи эса Андижон давлат ўрмон хўжалигининг «Тошоҳур» ўрмон бўлими худудидаги ёнғоқ дарахтлари биоценозида ўтказилган.

Тадқиқотлар учта вариантда олиб борилиб *Trichogramma dendrolimi* биринчи вариантда 2,5 мг/дарахт, иккинчи вариантда 3,75 мг/дарахт ва учинчи вариантда 5,0 мг/дарахт миқдорида қўлланилган ва биологик самарадорлиги аниқланган.

«Оқ-тош» ўрмон бўлимида олиб борилган тажриба натижаларига кўра, биринчи вариантда ёнғоқ мевахўри (*Erschoviella musculana* Ersch.) зараркунандасига қарши *Trichogramma dendrolimi* паразит-энтомофагини 2,5 мг/дарахт миқдор белгиланганда тухумларни паразит билан зарарланиши энг паст натижани кўрсатган. Бунда, 47,2 % биологик самарадорликка эришилган. Учинчи вариантда 5,0 мг/дарахт қўлланилганда 11-кун зараркунанда тухумлари *Trichogramma dendrolimi* билан зарарланиши энг юқори бўлиб, 71,6 % биологик самара аниқланган.

Тажрибалар Андижон давлат ўрмон хўжалигининг «Тошоҳур» бўлимидаги ёнғоқ дарахтлари биоценозида ҳам ўтказилган. Тажрибалар ёнғоқ мевахўри (*Erschoviella musculana* Ersch.) зараркунандасига қарши учта вариантда олиб борилиб *Trichogramma dendrolimi* биринчи вариантда 2,5 мг/дарахт, иккинчи вариантда 3,75 мг/дарахт ва учинчи вариантда 5,0 мг/дарахт миқдорида қўлланилган ва биологик самарадорлиги аниқланган (2-расм). Биологик самарадорликни аниқлаш учун кузатувлар учинчи, еттинчи ва ўн биринчи кунлар амалга оширилган.

Биринчи вариантда 2,5 мг/дарахт миқдорда *Trichogramma dendrolimi* паразит-энтомофаги қўлланилганда энг паст натижага намоён бўлиб 47,7 % биологик самарадорликка эришилган. Иккинчи вариантда 11 кун 61,9 % биологик самарага эришилган.



2-расм. Ёнғоқ мевахўрига (*Erschoviella musculana* Ersch) қарши *Trichogramma dendrolimi* турини қўллаш ва биологик самарадорлигини аниқлаш. «Тошоҳур» ўрмон бўлими. Андижон 2018-2019 йй.

Учинчи вариантнинг натижалари энг юқори бўлиб, паразит миқдори ҳар бир дарахтга 5,0 мг миқдорида белгиланганда 73,6% биологик самарадорлик аниқланган.

«*Trichogramma dendrolimi* ни ёнғоқ мевахўрига қарши қўллашнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги» бўлимида «Тошоҳур» ўрмон бўлимида олиб борилган тажрибанинг хўжалик ҳамда иқтисодий самарадорлигини аниқлаш натижалари келтирилган. Унга асосан тажрибаларда 1 сўмни харажатга нисбатан қопланиши 4,17 мартани, рентабеллик даражаси 417% ни ташкил қилган.

Тажриба натижаларига кўра янги интродукция қилинган *Trichogramma dendrolimi* паразит энтомофагининг Lepidoptera туркум вакилларига қарши қўллаш юқори рентабелликка олиб келиши исботланган.

ХУЛОСАЛАР

1. Андижон ва Тошкент ўрмон биоценозида учрайдиган Lepidoptera туркумининг асосий вакиллари тур-таркиби, тарқалиш ареали, ўсимлик тури бўйича доминантлиги аниқланган.

2. Андижон ва Тошкент ўрмон биоценозида зарар етказувчи Lepidoptera туркумининг вакилларида - олма куяси (*Yponomeuta malinellus* Zell.), ёнғоқ мевахўри (*Erschoviella musculana* Ersch.) ва дарахт сассиқхўрининг (*Cossus cossus* L.) биоэкологияси, ривожланиш динамикаси, зарар келтириш даражаси аниқланган.

3. *Trihogramma dendrolimi* паразит-энтомофаг тури Хитой Халқ Республикасидан мамлакатимизга интродукция қилинган.

4. Интродукция қилинган *Trichogramma dendrolimi* ни авлодларининг генетелийсида фаллобаза маълум даражада узун бўлиб генителиядаги дигитал склеридлар бир торайиб ҳалқа ҳосил қилиши, сўнгра юқорига қараб кенгая бориб, гумбазсимон кўринишга эга бўлиши аниқланган.

5. *Trichogramma dendrolimi* турини дон куяси (*Sitotroga cerealella*) ва мум парвонаси (*Galleria mellonella*) тухумларида кўпайтириш усуллари ишлаб чиқилган.

6. *Trichogramma dendrolimi* турини биолобораторияда кўпайтиришда $+27-28 \pm 3^{\circ}\text{C}$ ҳаво ҳарорати ва 60 ± 2 % ҳавонинг нисбий намлиги тухумхўрларни ривожланиши учун қулай эканлиги аниқланган.

7. *Trichogramma dendrolimi* дон куяси тухумларини зарарлаши учун 10 соат ёруғлик куни оптимал бўлиб 88,6 % зарарлаши, *Trichogramma pintoii* эса 12 соат ёруғлик кунда энг юқори 82,3 % зарарлаши аниқланган;

8. *Trichogramma dendrolimi* турини биолобораторияда кўпайтиришда мум куяси тухумларининг 74,6 % зарарланиши, ҳамда *in vitro* усулида *Bombux mori* гемолимфасидан фойдаланилганида сунъий тухумларнинг зарарланиши 86,0 % ни ташкил қилиши аниқланган;

9. Ўрмон ва боғ биоценозида учрайдиган *Lepidoptera* туркумининг вакиллариға қарши Аваунт 15 % к.э. билан ишлов берилганида *Trichogramma dendrolimi* энтомофаги 70,1 % имаголик давригача ривожланиб яшовчанлиги 5,8 кун, пушдорлик даражаси эса 73,5 % бўлганлиги аниқланган.

10. Интродукция қилинган *Trichogramma dendrolimi* энтомофаги олма куясиға (*Yponomeuta malinellus* Zell.) қарши қўлланилганда 66,7-72,4 %, ёнғоқ мевахўриға (*Erschoviella musculana* Ersch.) қарши қўлланилганда 69,3-73,6 % биологик самарадорликка эришилган.

11. *Trichogramma dendrolimi* паразит энтомофаги ёнғоқ мевахўриға қарши қўлланилганда рентабеллик даражаси 417 % ни ташкил қилган.

12. *Trichogramma dendrolimi* самарадорлигини ошириш учун

биолобораторияда мум куяси тухумларида кўпайтириш;

олма куяси (*Yponomeuta malinellus* Zell.) ва ёнғоқ мевахўри (*Erschoviella musculana* Ersch.) ва бошқа *Lepidoptera* туркуми вакиллариға қарши 1,0 г/га миқдорида трихокарталарда қўллаш;

баланд бўйли манзарали дарахтларда учрайдиган *Lepidoptera* туркум вакиллариға қарши 3,0 г/га миқдорда дронларда тарқатиш;

ўсимликларни уйғунлашган ҳимоя қилишда энтомофагларға зарарсиз бўлган Аваунт 15 % к.э. 0,5 л/га препаратини қўллаш тавсия қилинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/30.10.2020.QX.126.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ АНДИЖАНСКОМ ИНСТИТУТЕ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИЙ**

**АНДИЖАНСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И
АГРОТЕХНОЛОГИЙ**

РАХИМОВА АЗИЗА АБДУХАЛИМДЖАНОВНА

**ЗНАЧЕНИЕ ВИДОВ ТРИХОГРАММЫ (TRICHOGRAMMATIDAE) В
УПРАВЛЕНИИ ПОПУЛЯЦИИ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ ОТРЯДА
LEPIDOPTERA В ЛЕСНОМ БИОЦЕНОЗЕ.**

06.01.09 – Защита растений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Андижан – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.3.PhD/Qx608

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Андижанском институте сельского хозяйства и агротехнологий.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.andqjai.uz) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Сулаймонов Ботиржон Абдушукирович
доктор биологических наук, академик

Официальные оппоненты: Юсупова Махпуза Нумановна
доктор сельскохозяйственных наук, доцент

Мухсимов Нурулло Пулатович
доктор философии по сельскохозяйственным наукам

Ведущая организация: Институт зоологии Академии Наук Республики Узбекистан

Защита диссертации доктора философии (PhD) состоится «__» _____, 2022 года в __ часов на заседании Научного совета PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 при Андижанском институте сельского хозяйства и агротехнологий (Адрес: 170600, Андижанская область, Андижанский район, посёлок Куйган-ёр, улица Олийгох, дом 1. Тел.: (+99874) 373-10-54; факс: (99874) 373-13-63; e-mail: agai_info@edu.uz, Административный корпус Андижанского института сельского хозяйства и агротехнологий, 1 этаж, зал заседаний).

С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского института сельского хозяйства и агротехнологий (зарегистрирована № ____). Адрес: 170600, Андижанская область, Андижанский район, посёлок Куйган-ёр, улица Олийгох, дом 1., здание Информации ресурсного центра. Тел. : (+99874) 373-10-54; факс: (99874) 373-13-63;

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2022 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2022 года)

А. Исашов
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.с.х.н., профессор

Г.Д. Рахматуллаев
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.с/х.н.

К.С. Комилов
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, кандидат с/х.н., доцент.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Глобальные изменения окружающей среды в мире приводят к значительному увеличению воздействия различных вредителей и болезней на сельскохозяйственные культуры. По данным «Продовольственной и сельскохозяйственной Организации Объединенных Наций, негативное воздействие лишь одних вредителей оценивается в среднем в 1,4 триллиона долларов в мировом сельском хозяйстве, что составляет 5% мирового валового внутреннего продукта»¹ Соответственно, в первую очередь, сохранить здоровье человечества, удовлетворить спрос населения стран мира на сельскохозяйственную продукцию, защитить посевы от вредных организмов, сохранив при этом экологическую чистоту окружающей среды считается актуальным.

Экологические проблемы, возникающие во всем мире, неразрывно связаны с лесным биоценозом и сельским хозяйством и требуют разработки новых технологий и системы экологической борьбы, научных исследований и внедрения. Возрастание в последующие годы эффективных биологических методов при защите растительного мира от вредителей и борьбы с ними привело к необходимости к дальнейшему совершенствованию существующих технологий, биологической борьбы и в частности поиска новых видов полезных насекомых, и также привело к их внедрению на практику технологий интродукции и размножения.

На сегодняшний день, более ста видов представителей отряда чешуекрылых наносят большой экономический ущерб не только на сельскохозяйственные культуры, но и на лесные биоценозы нашей Республики. Существует несколько видов эффективных паразитических энтомофагов этих вредителей, которых можно обнаружить в сельскохозяйственных культурах. Некоторые из которых разводятся в биолaborаториях и широко используются в борьбе с вредителями. Но не существуют в нашей стране паразитических энтомофагов, которые эффективно воспроизводятся в биолaborаториях против представителей отряда Lepidoptera, которые встречаются в наших лесных биоценозах. Поэтому, внедрение эффективных видов паразитических энтомофагов этих вредителей в лесные биоценозы, размножение в биолaborаториях, а также разработка технологий их применения против вредителей и оценка биологической эффективности представляют собой важное, научное и практическое значение.

В постановлении Президента Республики Узбекистан от 13 октября 2020 года № ПП-4861 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности государственной службы по карантину растений»² определены такие задачи как научное изучение воздействия вредных организмов на сельскохозяйственную продукцию, разработка инновационных методов их

¹ <http://www.fao.org/docrep/018/i3300e/i3300e.pdf>.

² <https://lex.uz/uz/docs/5044687>

нейтрализации и создание новых видов энтомофагов. Соответствуя Постановлению № ПП-4960 от 21 января 2021 года «О мерах по содействию развитию науки и научных исследований в области лесного хозяйства»³ данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, изложенных и в других нормативно-правовых документах, соответствующих данной деятельности.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы.

